





ОЛАМГА БИР НИТОҚ



РОССИЯ ХАЛҚИ ПУТИНГА УМИД БОҒЛАМОҚДА

Ўтган йилнинг энг шов-шувал вояларидан бири — Россия президентининг истеъфо бериши бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, ўтган жума кунин, яъни янги йил арафасида Борис Елцин ўз хоҳиши билан истеъфосига чиққанини маълум қилди. Бу жаҳон ҳам-жамиятини учун қутқалмаган ҳодиса бўлса-да, Борис Елцин учун пушта ўйлаб қўйилган даъво қадим эди. Буни у ўз баёнотида ҳам таъкидлаб ўтди.

Айни пайтда бутун дунё жамоатчилиги бу ҳодисани турлича талқин қилмоқда. Бироқ, дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари, давлат раҳбарлари Елцин ўз Ватани, халқининг келгуси тақдирини ўйлаб марларча иш тутганини эътироф этишмоқда. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари Президентини Билл Клинтон, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Борис Елцин фаолиятини ижобий баҳолаб, унинг президентлик даврида дунё янада осойишта ва барқарор тус олганини таъкидлашди. Республиканизм Президентини Ислам Каримов эса Ўзбекистоннинг истеъфосига чиқиш тўғрисидаги қарорини Россияда юзага келган ҳозирги вазиятга қараб, мард инсон томонидан қабул қилинган ягона ва энг оқилона чора деб баҳолади.


Кейинги уч-тўрт йил давомида Россия ҳаётини, у ерда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни кузатиб борган одам чиндан ҳам Борис Елцин бу қарорга келиш учун анча олдидан излашганини сезиши мумкин. У ҳукуматни ишончли қўлга топишига учун анча ҳаракат қилди. Бу йўлда таваккалчиликларга ҳам борди. Кейинги бир йилда ҳукумат раҳбарлари бир неча бора алмаштирилди. Умуман, муносоиб номзод топилмагунча қадар бу йўлдан қайтилмади, турли гап-сўзларга ҳам эътибор берилмади. Ниҳоят, ҳуку-

мат тепасига Владимир Путин келгач, турли гап-сўзлар, тахминларга чек қўйилди, шу кундан эътиборан мамлакатда сиёсий барқарорлик изга тушди.

Путиннинг кейинги олти ой давомидаги фаолияти Россияни бошқариш учун муносоиб номзод сисёт майдонига чиққанини яққол кўрсатди. Бунинг устига унинг мавқеи омма орасида жуда тез юксалди. Унинг қатъий қарорлар қабул қилиши, ҳар қандай шароитда ўз халқини қўллаб-қувватлашга, ҳимоя қилишга қодир эканлиги, энг оғир вазиятларда ҳам оқилона қарор қабул қила олиши асосий омил бўлди. Бир сўз билан айтганда, Борис Елцин излаган одамни тоғдан тоғ ҳукуматни бошқаришни унга топишириш вақти етганини сезиб, оқилона қарорга келди.

Владимир Путин Елцин истеъфосига чиққан кундан эътиборан мамлакат президентини вазифасини бажаришга фалт қилишни кетди. У янги йил арафасидаги оилавий тадбирлари ва хизмат сарфларини тўғрисидаги барча режаларини қолдириб, давлат ишлари билан машғул бўлди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, у байрам кунларида давлат аҳамиятига молик ўттиздан ортиқ янги ҳужжатларни қўриб чиқди ва имзолади.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Миср эҳромлари

КИСКА САТРЛАРДА

АҚШнинг Калифорния штатидаги Пасадина шаҳрида "Одиссея-2000" номи велосаҳёт старт олди.

Ер юзюда 2000 йилни биринчи бўлиб кутиб олиш бахтига Тинч океанининг шарқий оролларида жойлашган Кирибати мамлақати фуқаролари ва меҳмонлари муассар бўлди. Зеро, офтоб биринчи бўлиб Кирибати жойлашган шарқ томондан чиқди.

Сўнгги асрларнинг энг омадли мамлақати Швеция ҳисобланади. Чунки бу мамлакат деярли икки йилдан буён уруш даҳшатларини бошдан кечирмаган.

Французлар Альфред Хичкокни аср режиссёри, деб эътироф этишмоқда.

2000 йил эшик қоқиб турганда сайёрамизнинг энг кекса одами сифатида Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олган америкалик Сара Кнауес 119 ёшда ҳаётдан кўз юмди.

Таиланд пойтахти Бангкокда турли миллатга мансуб тўрт минг нафар келин-куёв 2000 йил кириб келиши муносабати билан оммавий тарзда никоҳдан ўтди.

Ўтган йилда Японияда сўнгги тўрт йил давомида туғилишнинг энг кам бўлганлиги қайд этилди.

Россиянинг Новосибирск вилоятида сўнгги уч кун ичида юз берган ёнғинлар оқибатида йингира бир киши, шу жумладан, тўрт нафар ёш бола ҳаётдан кўз юмди.

Покистоннинг Панжоб вилоятида поезд ва йўловчи автобус тўқнашиб кетиши оқибатида ўн киши ҳаётдан кўз юмди ва тўққиз киши жиддий жароҳатланди.

Нима? Қачон? Қаерда?

ГРУЗИЯ САЙЛОВГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Грузия парламентини раиси Зураб Жванцелининг фикрича, 2000 йилги президент сайлови мамлакат ҳаётидаги энг катта воқеа бўлади.

Грузияда жорий йилнинг 9 апрел кунин президент сайлови ўтказилди. Ҳозирча бу лавозимга Грузиянинг айни пайтдаги раҳбари Эдуард Шеварднадзе ва Алжбери мухтор республикаси Олий Кенгаши раиси Аслан Абашидзе ўз номзодини қўйиш истagini билдирган.

ЯНГИ ЙИЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Янги Гилнес Бош вазири Мекере Моруага янги йил

муносабати билан мамлакат бўйича тўқсон тўққиз нафар мабусуни афв этишга қарор қилди. Бироқ овоз этилганлар жиддий равишда тартибга риоя қилиши лозим. Акс ҳолда, яна қамоққа қайтади. Бундан ташқари, уларнинг ичкилик ва гиёҳвандлик моддаларини қабул қилиши тақиқланди. Афв этилган мабусулар яшаш жойига қараб бир йил давомида ҳар ҳафта полиция маҳкамасига келиб туриши лозим.

2000 ЙИЛДА ТИНЧЛИК БЎЛАДИ

Конго Республикаси ҳукумати ва унга қарши курашаётган курулланган исёнчилар гуруҳи

1998 йилнинг декабр ойидан бошлаб давом этиб келаётган фуқаролар урушига чек қўйиш ҳақида келишиб олди. Унга кўра, мамлакатнинг бир неча вилоятларида уруш ҳаракатлари тўхтатилди. Лозим. Агар ҳақиқатдан ҳам уруш тўхтатилса, жанговар ҳаракатлар натижасида талафот кўрган аҳолига инсонпарварлик ердами кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.

АВТОҲАЛОҚАТ РЎЙ БЕРДИ

Покистонда юз берган даҳшатли автоҳалоқат қурбонларини

нинг сони эллик беш нафарга етди. Фожиа Лаҳор ва Равапинда шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланишга мўжжалланган йўлда содир бўлди. Йўловчилар билан тўла автобус қутқилмаганда бошқарувдан чиқиб кетиб, ҳалокатга учради ва ёниб кетди.

Маълумотларга қараганда, қутқарув ишларини мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Парвоз Мушарраф шахсан ўз назорати олдига олган.

ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

НАМУНАСИ

қур қудуғига тикиб, кўмиб ташланган бу Ҳақиқатни юзага чиқариш учун қанчалар журят, қанчалар қудрат керак эди? Ҳазрат Алишер Навоий лутф этмишлар: «Керак шер олдада шер жанги». Балки шернинг миннатини кўтариш учун ҳам шер бўлиш керакдир!

Буюк бобоқалонимизни шарафлаш бутун халқимиз кўз олдига келди, бу хайрли ишларнинг моҳияти, қадр-қиммати ҳар биримизнинг қалбимиз турдан жой олди. Зеро, «Зар қадарини заргар билади» деганларидек, етти аср зулматини ёритиб, бизнинг кунларимизга етиб келган, теран меросга эгаллик қилган юртга ўша давларнинг одамшумул шухрати насиб этган!

Ушбу ўринда маълум далилларни қайд этган ҳолда Амир Темур ҳазратларининг юртига қайтарилиши солномасини бир қур эслашлик.

1993 йил 31 августда пойтахтда Амир Темур ҳайкали очилди. 1994 йил 29 декабрда ҳукуматимизнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини таънавали нишонлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди.

1995 йил 26 декабрда «1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш ҳақида» республика Президентининг Фармони эълон қилинди.

1996 йил 14 мартда Вазирилар Маҳкамаси «Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил қилиш бўйича тадбирларни амал-

га ошириш тўғрисида» ва «Халқаро Амир Темур жағфармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Апрел ойида Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди.

26 апрелда «Амир Темур орденини тасвие этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. 28 августда Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди. 18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Шу кунин Самарқанд ва Шаҳрисабзда ҳам Амир Темур ҳайкали очилди. Учала таънавала ҳам Президентимиз қатнашиб, нутқ сўзлашди.

25 октябрда Самарқандда юбилей таънавалари бўлиб ўтди. 1997 йил 17 сентябрда Тошкентда «Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзудаги халқаро илмий конференция очилди. Ушбу конференция Шаҳрисабзда ўз ишнини давом эттирди.

Ҳар йили Амир Темур

эмас, балки чинакамига, кетмас бўлиб қайтди. Зеро, бу тадбирлар шунчалки кўтаринкилик, юксак масъулият билан ташкил қилиндики, ўша лаҳзаларда бундан олти аср олдин кечган Темурона шукҳу, улдувворликни ҳис этдик.

Албатта, бундай даражага эришиш жўн нарсас эмас. Мабоодо, етарлики талқин қилинмасе, ҳар қандай гўзал нарсас ҳам хунуклик касб этиб қолиши мумкин. Бугун пойтахт марказидаги музазам ҳайкалга ёки музташам музей биносига назар солганда, уларда ягона мутаносибликни ҳис қилиш кийин эмас. Ҳазрат бобоқалонимиз билан боғлиқ хоҳ машварат бўлсин, хоҳ санъат асари бўлсин, уларда ёрқин бир дастхат буртиб туради — бу гоёнинг муаллифи ҳам, ижроини-ю ташкилотчиси ҳам Юрбтошимизнинг ўзлари эдилар. Энг кичик усур ҳам Президентимизнинг назарида бўлди.

Тошкентдаги Амир Темур уруш ҳайкалининг муаллифи Илҳом Жабборов шундай хикоя қилади: — Бир неча муаллифларнинг эскизлари намойиш қилинди. Юрбтошимиз мен тайёрлаган нухсага яқинла-

шиб, маъқуллагандек бўлдилар. Бироқ унда анча гализликлар бор экан. «Отта мингансизми?» деб сўрадилар. «Йўқ» дедим. «Кўриниб турибди, отлик жойини ўнг қўлида тутмайди...» Менинг лойиҳада шундай бўлиб қолган экан. Бундан бошқа ҳам қўллаб маслаҳатлар бердилар...

Ана шундай талабчанлик, масъулият туфайли ҳайкаллар ҳам, қошоналар ҳам такорланмас гўзаллик кашф этди. Амир Темур номининг шарафланиши истиқлолнинг миллат маънавиятини юксалтириш борасидаги улуг армуғонидир. Тарихий ҳақиқат шунки, Амир Темур даври ўтмишимизнинг юксак чўққисидир. Унда ўзига эришилган барча хусусиятлар мўжассамлашган бўлса, ундан кейинги давр ўша кунлардан шукҳу олган. XX аср сўнггида бу улкан меросга чуқур ҳурмат билан қараб, Амир Темур номини миллат тимсоли ҳисоб қилиш керак.

Халқни, миллатни, Ватанин бу қадар улуглаш учун Жалолиддин Мангу-беда ёки Амир Темур ҳазратларидек қалба оташин муҳаббат бўлиши лозим. Биз айни давларда ана шундай ҳақиқатга гувоҳ бўлиб турибмиз.

ҲАКИМ САТТОРОВ.

Ҳабибулло ТўЛАГАНОВ



Ўзбекистоннинг геология соҳаси оғир жудаликка учради — Ҳабибулло Тўлаганович Тўлаганов ҳаётдан кўз юмди.

Х. Тўлаганов 1917 йил 7 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилди. У 1940 йилда Урта Осиё индустриал институтини тамомлагандан кейин дала геологидан Ўзбекистон геология вазирлигига бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Иккинчи жаҳон уруши жанг-ғоҳларида қатнашди.

Мамлакат кон ва нефтгаз қазиб олиш саноатининг қарор топиши Х. Тўлагановнинг номи билан боғлиқдир. У кўп йиллик фаолияти даврида юксак лаёқатли йирик раҳбар си-

фатида Ўзбекистоннинг минерал-хомашё базасини кенгайтириш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Асл, рангли ва нодир металлларнинг, кимёвий ва тоғ-кон хомашёсининг, нефт ва газнинг, ерости сувлари ва бошқа фойдали қазилма бойлиқларининг қўллаб конлари бевосита

унинг иштирокида ва раҳбарлигида қидириб топилди. У ирригация қурилиши, мелiorация ва ерларни ўзлаштириш мақсадлари учун муҳандислик-геология тадқиқотларининг катта комплексларига раҳбарлик қилди. Х. Тўлаганов геология хизматининг малакали кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш ва тарбиялашга кўп куч ва ғайрат сарфлади. Ўзбекистонда бевосита унинг иштирокида ва ташкилотчилигида ўзбек геология мактаби ривожланишига кўмаклашган илмий-текшириш институтлари ташкил этилди.

У ишлаб-чиқариш фаолияти билан биргаликда катта илмий-тадқиқот ва жамоат ишларини олиб борди. У геоло-

гия-минералогия фанлари доктори, 120 дан ортиқ илмий асарлар ва мақолалар, қўллаб геология ва гидрогеология хариталари муаллифи, Ўзбекистон геология фани ютуқларининг фаол тарғибчиси эди.

Х. Тўлагановнинг меҳнати Ҳукумат мукофотлари билан муносиб тақдирланди, у «Хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони соҳиби, давлат мукофотлари совриндори эди.

Ажойиб инсон, истеъдодли раҳбар ва олим Ҳабибулло Тўлаганович Тўлагановнинг нурилий сиймоси хотирамизда абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

Advertisement for GUFIK-AVICENNA KQ. Includes text: Антибиотиклар ишлаб чиқарувчилар пешқадами — «ГУФИК-АВИЦЕННА» ҚҚ. Янги йил совғаси. Барча дорихона, шифохоналарга. «ГУФИК-АВИЦЕННА» ҚҚ 2000 йилнинг 1 январидан 31 мартгача ўз дору-дармонларини консигнация шартларида сотишни ўйла кўйди. Шартномаларни қўйидаги манзил бўйича тузиш мумкин: "Гуфик-Авиценна", Бўжоро ш., Тел.: (3652) 26-17-30, 26-47-41, 26-14-11. "Гуфик АТД", Тошкент ш., Тел.: (3712) 68-93-40, 68-24-29. Images of medicine boxes.

Advertisement for NURONII JAMFARMASI. Includes text: ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ «НУРОНИЙ». хайрия пул-ютуқли лотереясини чиқарди! Лотереянинг нархи 100 сўм. Битта лотереяда 3 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ЮТУҚ БОР. Бунақаси бўлмаган! Ютуқ 2000 йилнинг 16 мартида ўйналади. Мартда Ҳамал киради — Амал киради! Бахтингизни синаб кўринг. «Нуроний» хайрия пул-ютуқли лотереясини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг барча бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин. ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН, АЗИЗЛАР! Лотереядан тушган маблағ яқка-ёлғиз яшовчи, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қарияларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланади. HAS@2445

Мустақиллигимиз шарофати билан узоқ ўтмишда яшаб жатган илм-фани ва маданияти раванкига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг таваллуд саналари нишонлаб, уларнинг ҳаёти ва маънавий мерослари ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Утган саккиз йил давомида қанчалар-қанча ажодларимизнинг табаррук номлари тикланди, илмий мерослари кенг ҳалқ оммасининг маънавий мулкига айланди. Яқинда Вазирад Маҳкамасининг қарори эълон қилиниб, унга биноан шу йил калом илмининг асосчиларидан бири, буюк ватандошимиз имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейини ўтказиш белгиланган. Шу тарихий қарор муносабати билан буюк алломанинг ҳаёти ва мероси ҳақида маълумот беришни лозим топдик.

Маълумки, қадимда юртимиздан қўлаб буюк алломалар етишиб чиққан. Айниқса, бу табаррук заминда ўрта (IX-XII) асрларда ўз кашфиётлари ва таълимотлари билан жумлан-жаҳонни дол қолдирган юзлаб устозлар Самарали фаолият кўрсатдилар. Мана шундай машҳур сиймолар силсиласида калом илмининг асосчиларидан бири имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси ҳақида эътибор қилиш зарур. Унинг ҳаёти ва илмий мероси, айниқса, ёшларга келтириб бериш зарур. Унинг ҳаёти ва илмий мероси, айниқса, ёшларга келтириб бериш зарур. Унинг ҳаёти ва илмий мероси, айниқса, ёшларга келтириб бериш зарур.

қарашлари унинг икки — "Китоб ат-Тавҳид" ва "Китоб таввилот аҳд ас-суна" номли асарларида баён этилган. Бу бордаги кўп қимматли маълумотлар алломанинг вафотидан кейин мотуридия таълимотида бағишланиб яратилган қатор асарларда ҳам ўз аксини топган.

Тавҳийд" калом илмига оид энг дастлабки асар ҳисобланиб, унда муътазил ва бошқа оқимларнинг нотўғри нуқтаназарлари таққид остига олинган. Имом ал-Мотуридийнинг бошқа йирик асари "Таввилот аҳд ас-суна" ёки "Таввилот аҳд ас-суна" деб аталган. Мазкур асарнинг илмий ва амалий аҳамияти жуда катта бўлиб, у аҳли суна умумлари томонидан Қуръон каримини шарҳлаш (таъвил) бўйича қилинган дастлабки илмий унинг бўлиб, бу шарҳ ақд ва нақд нуқтаназаридан амалга оширилганлиги билан ажралди туради. Бошқача қилганда, Қуръон карим имом ал-Мотуридийнинг калом илмига оид таълимотлари нуқтаназардан туриб тафсир қилинган.

# КАЛОМ ИЛМИНИНГ АЛЛОМАСИ

рўк номини хилма-хил юксак ва шарофатли лақаблар билан безаб зикр қилганлар. Унинг беизаб салоҳиятини эътироф этган буюк мутофаккир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" номли машҳур асарида "шаҳид Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонининг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламоси аларини "Султонуд Муъизин" дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари била ораста эрмишлар" деб лутф қилган эканлар.

Бу ўринда таниқли тарихчи ат-Тамимийнинг у зоти шариф ҳақида ёзганларига ҳам эътибор қилинг: "Имом ал-Мотуридий ўз замонасининг энг буюк алломаларидан бири сифатида тан олинди, барча унинг илмию маърифатига иқтидо қилиб, унинг таълимоти зибосини кўзларига тўтиб сифатида суртганлар. Шу боис имом ал-Мотуридий нафақат унга хайрихоҳ кишилар, балки рақиблари назарида ҳам "имом аҳд ас-суна вал жамаъ", "имом ал-Худо" ("руҳиди ҳидоъти бошловчи имом") деган энг олий унингта сазовор бўлиб, калом илмида ўзига хос бир мўъжиза сифатида довруғи тилларда дoston бўлган".

Имом ал-Мотуридийнинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етиб қолади. Улардан "Китобул-жадал" ("Диалектика ҳақида китоб"), "Китоб моаъж аш-шароъиъа" ("Шариат асослари манбаъи") фикҳ илми ва унинг усулига бағишланган.

Шу билан биргаликда калом илмининг турли масалалари ва ўғри йўлдан алашган ҳар хил оқимларга раддиялар билдиришга бағишланган асарлар имом ал-Мотуридий ижодининг асосини ташкил қилади. Бу ўринда "Китоб ат-Тавҳийд", "Китоб ал-мақолат", "Китоб радд аъло-л-қаромита", "Китоб баён ваҳм ал-муътазил", "Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Боҳилий", "Китоб радд авоил ал-адиллат лил-Казъий" кабиларини кўрсатиш мумкин. Ушбу асарлардан "Китоб ат-

### КАХҲОР НАЗАРИ ТУШГАН АДИБ

Юртимизда Анвар Муқимов номини эшитмаган китобхон бўлмаса керак. 60-йилларда истеъдодли ёзувчи сифатида танилган марҳум адибнинг «Эринсангиз кулманг» номли янги китоби ўқувчилар учун яхши дўст, бегараз ҳамроҳ бўлиши, шубҳасиз. Анвар Муқимов ўз даврида Абдулла Қаҳҳордек талабчан устознинг назарига тушган эди. Унинг ҳикоя, ҳажвия, мақола ва фельетонлари тилининг ширали ва ўткирлиги, нозик ишораларга бойлиги билан ўқувчилар меҳрини қозонган. Бу йил таваллудига 70 йил тўладиган адибнинг «Ғалати одамлар», «Пинҳона жанг қиссаси», «Чуқур текшириш», «Кўзон шамол» каби ўнга яқин китоблари чоп этилган. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош тахририяти чоп этган гузал муқовали китоб Анвар Муқимовни унутмаган, унинг асарларини соғинган мухлислари учун ажойиб совғадир.

**Янги китоблар**

**СЕНГА**

**КҮНГИЛ БЕРСАМ...**

Ёзувчи ва публицист Ашуррали Жураевнинг янги китоби ана шундай номланган. Ушбу тўғланнинг мундарижасини рабаранг, мавзулари хилма-хил. Собиқ шўролар даврида рўй берган фожалар мазмун-моҳиятини очиб берган «Жалойирга мактублар» қиссаси мустақиллигимизни янада муштаҳамлашга даъват этади. Меҳр-оқибат, имон-эътиқод, яхшилик ва муҳаббатни улғулловчи ҳикоялар асарга ўзгача мазмун ва маъно бахш этган. Таниқли санъаткорлар Абдулло Худойбердиев, Мукаррама Турғунбоева, Бобомурод Ҳамдамов, Фахриддин Умаров, Отажон Худойшукуров, Ҳожибой Тожибоев ҳақидаги эсселар, суҳбатлар ҳамда туркум ҳажвий аҳтомалар ҳам ушбу китобдан ўрин олган.

**Раҳмон АЛИ.**

### «ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:  
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),  
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),  
Ш. РИЗАЕВ,  
С. ЗИНИН,  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУХИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
М. САФАРОВ,  
Р. ФАРҲОДИЙ,  
И. ХУДОЁЕВ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
О. ҚАЙПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
Ў. ҲОШИМОВ.

### Ўзбекистон Республикаси ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ

СЕРВЕР (КОМПЬЮТЕР)ЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ БҮЙИЧА

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тақлифларни қабул қилиш 2000 йилнинг 17 январигача амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини ДСҚ Моддий-техника таъминот бошқармасидан олиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 166-уй, 217-хона. Тел.: 173-34-21.

### БЎЛИМЛАР:

Иктомий-сўсий ҳаёт — 133-57-34;  
Ҳуқуқ — 136-07-94;  
Иқтисодийёт — 136-36-65;  
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;  
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;  
Фан, соғлиқни сақлаш ва иктомий масалалар — 132-12-08;  
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

### "VIEW VA KOMM"

КЎРИҚЛАШ ВА ВИДЕОКУЗАТУВНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТИЗИМЛАРИ ҚУЙДАГИЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

- видеокүзатув, ёнгиндан муҳофаза, кўриқлаш сигнализацияси, келиб-кетишни бошқариш тизимлари, шунингдек, фуқаролик диапазон (27 МГц) даги радиостанциялар учун жиҳоз ва анжомлар етказиб бериш;
- жиҳозлар ўрнатиш, сошлаш;
- кафолатли хизмат ва кафолат муддати тугаши билан хизмат кўрсатиши.

Юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатлари.

Хар қандай шароитда ечим топилди. Сизнинг хавфсизлигингиз ўз қўлингизда!

Тел.: 78-54-70, 78-41-07. Факс: (3712) 78-05-03.  
Манзил: Тошкент ш., «Каторгол» к., 38, 310, УЗГИТИ институти.

### КУРАШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кураш ойлги тадбирларининг 20 кунлик якунларига назар ташлар эканмиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Кураш мухлислари 5 ёшдан 90 ёшгача бўлган полвонлар чиқишларини оқчишлар билан кутиб олмоқдалар. Маълумотларга кўра, ҳозиргача республикамизда бўлиб ўтган мусобақаларда жами 1.150.000 спортчи иштирок этиб, мазкур беллашувларга 10.541.000 томошабин ташриф буюрган.

Ўз мухбиримиз.

### АВН-АМРО

Мустақил Ўзбекистонда рақобатбардош банк тизимини ривожлантириш йўлида амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳукумат қарори билан банклар тизимидаги бир неча банкда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқини берувчи муҳим тадбир қўлаб-қувватланди. 1999 йилнинг 1 декабридан бошлаб камида 200 нафар ходими бўлган корхоналар бу имкониятдан фойдаланишлари ва ўзлари учун иккинчи ҳисоб рақами очишга қайси банк қулай эканлигини аниқлаб олишлари мумкин.

Аминмизки, АВН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ худди шундай қулай банкдир. Энг бообру «Евроmoney» молия журнали томонидан АВН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ 1999 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк сифатида тан олинган.

## АВН АМРО Банк МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж. — жамғармалар ҳақидаги ахборот сир тутулиши, сифатли ва ишончли хизмат кўрсатиш кафолатини беради.

### МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА СИЗНИ ҲАМ КЎРИШДАН МАМНУНМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Фарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-поғъезд.  
Телефон: 120-61-41.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001  
Буюртма Г — 017, 25163 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ.  
Набатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.  
Набатчи — А. ЖҰРАЕВ.  
Мусахҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
топирилади — 22.50

1 2 3 4 5 6